

Кимё саноатининг етакчи корхоналаридан бири – “Махам-Chirchiq” АЖ режали капитал таъмирга тўхтатилди

// 10.10.2019

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maxam-chirchik-repair>



“Ўзкимёсаноат” АЖ ташкилот тизимида кирувчи “Maxam-Chirchiq” АЖнинг асосий технологик цехлари фаолияти тасдиқланган режага мувофиқ капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 20 кунлик муддатга тўхтатилганини маълум қилади.

Капитал таъмирлаш ишлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ ўз вақтида амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда “Карбамид” цехидаги ишлар 72,5%га, Аммиакли селитра цехида 71,4%га, Аммиак-2 цехида 43,1%га ҳамда Аммоний сульфат ва сульфат кислотаси цехидаги ишлар 14,0%га бажарилди.

Капитал таъмир учун корхона тўхтатилгунга қадар, тизимдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур бўлган асосий хом ашёning керакли ҳажмдаги захираси яратилди.

Капитал таъмир технологик ускуналарнинг муаммосиз, барқарор ишлаб истиқболларини яратади ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган мухим тадбирдир. Асосийси атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган омилларнинг максимал даражада камайишига хизмат қилади.

Капитал таъмирдан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш 25 октябрга режалаштирилган. Белгиланган муддатга риоя қилиш учун 3 сменада иш ташкил қилинган ва ишчиларнинг хавфсизлиги таъминланган.

